

Ташаббуснинг натижаси: қишлоқдаги З минг 400 метр ички кўчаларга асфальт ётқизилмоқда

Икки йилдан буён юртимизда “Ташаббусли бюджет” доирасида ажратилаётган маблағлар ҳудудларда яшовчи аҳолининг йиллар давомида йиғилиб қолган энг долзарб муаммоларига ечим бўляпти.

Ўзбекистон туманида ҳам ташаббусли бюджет асосида олиб борилаётган ишлар ҳудуд ижтимоий ва иқтисодий ҳолатини янада мустаҳкамлашга хизмат қиласпти.

Тумандаги "Қушқўноқ" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси ҳам мазкур лойиҳанинг жорий йилги иккинчи мавсумида фаол иштирок этиб, ўз ташаббусларининг ғолиблар қаторидан ўрин олишига эришди.



Маҳалладаги баъзи ички йўлларнинг таъмирга муҳтожлиги, ёзда чанг, қишида лой бўлишидек маҳалла аҳолисини узоқ йиллардан бери қийнаб келаётган муаммога ташаббусли бюджет жараёни ечим бўлди.

Қайд этиб ўтиш жоиз, ҳудуддаги ички йўлларни асфальтлаш юзасидан билдирилган таклифга 10 минг 517 та овоз берилиб, мазкур ташаббусни амалга ошириш учун бюджетдан 1 миллиард 100 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди.



Айни кунларда маҳалладаги “Хумор-Фирри”, “Гузар”, “Құрғонча”, “Боғ”, “Булоқбоши” ва “Чинор” каби күчаларнинг 3 минг 400 метр ички йўлларини таъмираш ва асфальтлаш ишлари олиб борилмоқда.

Маҳалла ички йўлларини ана шундай соз ва равон ҳолатга келтириш ишлари пудратчи ташкилот-“Қўқон йўл таъмир” МЧЖ йўлсозлари томонидан амалга оширилмоқда.

2022-11-29 09:32:32